

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «27» 6

2022-376-7-95-ОВ-сон

Иштихон ш.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган **Иштихон туман Ободонлаштириш бошқармаси** томонидан ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар **А.Х.Ибрагимов** бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «**OAZIZ ISHTIXON**» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи **А.Толлиев** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Иштихон туман "Бешбола" МФЙ худудидаги яшил майдонларни ер ости сувлари ҳисобига суғориш учун 1 та суғориш кудуғи ва 1 км суғориш тизимларини ташкил этиш ишлари ва фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш ишларини бажариш** мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (**2022 йил "22" июндаги 107233-сон баённома**) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **223 891 000.0 (Икки юз йигиима уч миллион саккиз юз тўқсон бир минг)** сўмни ташкил қилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;  
объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

1- иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда мазкур шартномага 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

10. Шартнома:

миллий валюта “сўмда” ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс ўтказилади, бу **67 167 300.0 (Олмиш етти миллион бир юз олти миш етти минг уч юз)** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1-илова).

16. Барча ишларни Пудратчи бажаргандан сўнг, Буюртмачи ишларни қабул қилиш далолатномаси тузади. Далолатнома имзолангандан сўнг, 5 банк иш куни ичида Буюртмачи қолган 70 фоиз тўловни амалга оширади.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

19. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

## **IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

23. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

24. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

28. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

29. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 20 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

30. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

31. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII. КАФОЛАТЛАР**

32. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

## **XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

36. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

37. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

38. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКІЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

39. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

40. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

#### **XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

41. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

42. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

43. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

44. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

#### **XVII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ**

46. Томонлар:

-Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерида эга бўлган, шу жумладан (аммо, бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизлиларини содир этмайдилар.

-Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар

бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

Томонда ушбу Шартноманинг 46. бандаги талабларни бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларнинг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### **XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

#### **Пудратчи:**

Ташкилот номи: «OAZIZ ISHTIXON»  
**хусусий корхонаси**  
Манзил: Иштихон ш Зарафшон кўч 7-уй  
Банк АТ Савдогар Банк Иштихон филиали  
х/р: 20208000705040601001  
МФО: 00311  
ИНН: 306189622  
Тел: 93 330 51 61

#### **Буюртмачи:**

Ташкилот номи: **Иштихон туман  
Ободонлаштириш бошқармаси**  
Манзил: Иштихон тумани Ғ.Ғулом МФЙ  
Иштихон кучаси 124 А-уй  
х/р: 100022860182127065200110014  
ИНН: 206932760  
Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар бош  
бошқармаси ХККМ  
Газначилик бўлинмаси номи: Иштихон  
туман Газначилик бўлинмаси  
ЯХК: 23402000300100001010  
МФО: 00011  
ИНН: 201122919

Директор:



А.Толлиев

Бошлик:



А.Х.Ибрагимов

## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNI QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO`G`RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi

### **Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

### **Pudrat shartnomasi**

Ishtixon tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va “**OAZIZ ISHTIXON**” **XK** o`rtasida tuzilgan pudrat shartnomasi (jami shartnoma summasi **223 891 000** so`m). Ushbu shartnoma O`zR Fuqarolik kodeksi, O`zR “Davlat xaridlari to`g`risida”gi 2021-yil 22-apreldagi 684-son Qonuni va O`zR Prezidentining 2018-yil 27-sentyabrdagi 3953-son Qarori talablariga asosan qabul qilingan.

3.Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma`lumot.

### **Ishtixon tuman Obodonlashtirish boshqarmasi 27.06.2022 й.**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga **muvofig** ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofig.

**Markaz boshlig'i**



**2022-yil 27-iyun**

**Sh.Yuldashev**

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ  
солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги  
маълумотлар базасини шакллантириш ва  
юритиш тартиби тўғрисидаги  
низомга 6-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга  
олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида  
ГУВОҲНОМА

УДОСТОВЕРЕНИЕ

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан  
и присвоении идентификационного номера налогоплательщику

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ - ЮРИДИК ШАХС  
НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК - ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО

Тўлиқ номи:  
Полное наименование:

"OAZIZ ISHTIXON" xususiy korxonasi

Қисқача номи:  
Краткое наименование:

ЧП "OAZIZ ISHTIXON"

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинди ва унга қуйидаги  
солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР) берилди:

Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан  
и ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

306189622

СТИР берилган сана: 27.02.2019  
Дата присвоения ИНН:

Рўйхатга олинган ДСИ:  
Зарегистрирован в ГНИ:

Иштихон тумани

Ушбу Гувоҳнома Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги расмий сайти  
оркали шакллантирилган ва чоп этилган

Данное Удостоверение сформировано и распечатано через официальный сайт  
Государственного налогового комитета

Гувоҳнома чоп этилган сана:  
Дата распечатки удостоверения:

28.02.2022 19:27:24





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

QO'SHILGAN QIYMAT SOLIG'I SOLIQ TO'LOVCHISI SIFATIDA RO'YXATDAN  
O'TGANLIGI TO'G'RISIDA  
GUVOHNOMA

СВИДЕТЕЛЬСТВО  
О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА  
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

QQS RO'YXAT RAQAMI  
РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС 318120126951

Mazkur guvohnoma QQS soliq to'lovchisi sifatida hisobga qo'yilganligi va QQS shaxsiy ro'yxatga olish raqami berilganligini tasdiqlaydi

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

Soliq to'lovchining nomi  
Наименование налогоплательщика ЧП "OAZIZ ISHTIXON"

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami  
Идентификационный номер налогоплательщика 306189622

Shaxs QQS soliq to'lovchisi bo'lgan sana  
Дата с которой лицо становится плательщиком НДС 01.10.2020

Ro'yxatdan o'tish sanasi  
Дата регистрации 12.10.2020



Ma'lumotnomada ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'riligini tekshirish uchun mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling.  
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.



## XALQ DEPUTATLARI ISHTIXON TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 10 - mart

VI-65-53-7-95-K/22

Ishtixon tuman hokimligi

### Ishtixon tuman mahalliy budjetining qo'shimcha manbalari hisobidan mablag' ajratish to'g'risida

O'zbekiston Respublikasi "Budjet kodeksi"ning 126-moddasiga asosan "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 24-moddasiga asosan xalq deputatlari tuman Kengashining oltinchi chaqiriq, 65-sessiyasi

### QAROR QILADI:

1. "Xalqobod" mahalla fuqarolar yig'ini "Boday" qishlog'ida yashovchi fuqaro Qo'chqorov Murod Mavlan o'g'liga moddiy yordam uchun 5,0 (besh) million so'm "Jo'ra Maxmudov" mahalla fuqarolar yig'inida yashovchi fuqaro Taxirova Gulnoz Niyazovnaga moddiy yordam uchun 5,0 (besh) million so'm, "Xalqobod" mahalla fuqarolar yig'ini "Boday" qishlog'ida yashovchi fuqaro Uralov Norbobo Turobovichga moddiy yordam uchun 5,0 (besh) million so'm, "Ishtixon" mahalla fuqarolar yig'inida yashovchi fuqaro Toshmatova Dilbar Tashmamatovnaga moddiy yordam uchun 5,0 (besh) million so'm, "Bo'ronxo'ja" mahalla fuqarolar yig'ini "O'yg'oni" qishlog'ida yashovchi fuqaro Toshmurodov Eldor Do'stquvat o'g'liga moddiy yordam uchun 3,0 (uch) million so'm, "Bo'ronxo'ja" mahalla fuqarolar yig'ini "O'yg'oni" qishlog'ida yashovchi fuqaro Xalilov Salaydin Abdikarimovichga moddiy yordam uchun 3,0 (uch) million so'm, "Xalqobod" mahalla fuqarolar yig'ini "Xalqobod" qishlog'ida yashovchi fuqaro Rabbimova Munira Mehriddin qiziga moddiy yordam uchun 5,0 (besh) million so'm, "Xalqobod" mahalla fuqarolar yig'ini "Xalqobod" qishlog'ida yashovchi fuqaro Berdiqulova Maftuna Axmat qiziga moddiy yordam uchun 5,0 (besh) million so'm, "Barlos" mahalla fuqarolar yig'inida yashovchi fuqaro Jurayeva

Nargiz Abdivaitovnaga moddiy yordam uchun 5,0 (besh) million so‘m, “Ko‘tarma” mahalla fuqarolar yig‘ini “Qalandar” qishlog‘ida yashovchi fuqaro Xaydarov Ravshan Botirboyevichga moddiy yordam uchun 1,0 (bir) million so‘m pul mablag‘lari tuman mahalliy budjetining 2022-yil 1-yanvar holatiga erkin qoldiq mablag‘lari hisobidan Ishtixon tuman hokimligiga ajratilsin.

2. “O‘zbekqo‘rg‘on” mahalla fuqarolar yig‘ini “O‘zbekqo‘rg‘on” qishlog‘ida yashovchi fuqaro Turayev Botirga uyini ta‘mirlashga moddiy yordam uchun 10,0 (o‘n) million so‘m pul mablag‘lari tuman mahalliy budjetining 2022-yil 1-yanvar holatiga erkin qoldiq mablag‘lari hisobidan Ishtixon tuman hokimligiga ajratilsin.

3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 9-sentabrdagi “Iqtidorli o‘quvchilar o‘rtasida fan olimpiadalarini o‘tkazish tizimini takomillashtirish hamda xorijiy tillarni o‘qitish bo‘yicha eng yaxshi maktabni aniqlash tizimini joriy etish to‘g‘risida”gi 562-sonli Qarorining 2-bandiga asosan xorijiy tillar bo‘yicha tuman bosqichida 1-o‘rinni egallagan 1-son IDUMga 100,0 (yuz) million so‘m, 2-o‘rinni egallagan 2-son IDUMga 75, 0 (yetmish besh) million so‘m va 3-o‘rinni egallagan 35-sonli umumta‘lim maktabiga 50,0 (ellik) million so‘m jami, 225.0 (ikki yuz yigirma besh) million so‘m O‘zbekiston Respublikasi Prezident sovrini uchun tuman mahalliy budjetining 2022-yil 1-yanvar holatiga erkin qoldiqlari hisobidan tuman Xalq ta‘limi bo‘limiga ajratilsin.

4. Ishtixon tuman Xalq ta‘limi bo‘limiga kompyuter jamlanmalari olish uchun 70.0 (yetmish) million so‘m tuman mahalliy budjetining 2022-yil 1-yanvar holatiga erkin qoldiqlari hisobidan tuman Xalq ta‘limi bo‘limiga ajratilsin.

5. Ishtixon tumanda tashkil etilgan 2-sektor binosiga mebel jihozlari olish uchun 10,0 (o‘n) million so‘m va joriy ta‘mirlash xarajatlari uchun 40,0 (qirq) million so‘m tuman mahalliy budjetining 2022-yil 1-yanvar holatiga erkin qoldiqlari hisobidan Ishtixon tuman hokimligiga ajratilsin.

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 30-dekabrdagi PF-46-sonli Farmoniga asosan Ishtixon tumanida 2022-2026-yillarda Obodonlashtirish boshqarmasi tasarrufidagi ko‘kalamzorlashtirish hududlariga sug‘orish tizimlarini va suv chiqarish quduqlarini tashkil etish bo‘yicha dasturga muvofiq, 2022-yilda Ishtixon tumanida 1 ta sug‘orish qudug‘i va 1 km sug‘orish tizimlarini tashkil etish uchun 248,0 (ikki yuz qirq sakkiz) million so‘m hamda moddiy texnika bazasini mustahkamlash maqsadida 1 ta maxsus texnika xaridi uchun 625,0 (olti yuz yigirma besh) million so‘m jami, 873,0 (sakkiz yuz yetmish uch) million so‘m

mablag' (tuman mahalliy budjetining daromadlar rejasining oshgan qismi hisobidan qaytariladigan) viloyat budjetidan berilgan ssuda mablag'lari hisobidan tuman Obodonlashtirish boshqarmasiga ajratilsin.

7. Samarqand viloyati hokimining 2021-yil 25-noyabrdagi 11-11/926-sonli xatiga asosan yoshlarni "Bir milon dasturchi" loyihasiga keng jalb qilish, loyiha ishtirokchilari sonini keskin oshirish, ularning IT sohasidagi bilim va ko'nikmalarini mustahkamlash yuzasidan tanlovda g'olib bo'lganlarni taqdirlash maqsadida, noutbuk olish uchun 18,4 (o'n sakkiz million to'rt yuz ming) million so'm, planshet olish uchun 12,0 (o'n ikki) million so'm, telefon olish uchun 9,6 (to'qqiz million olti yuz ming) million so'm jami, 40,0 (qirq) million so'm tuman mahalliy budjetining 2022-yil 1-yanvar holatiga erkin qoldiqlari hisobidan tuman Xalq ta'limi bo'limiga ajratilsin.

8. Tumandagi quyidagi ko'rsatilgan mahalla fuqarolar yig'inlarini ta'mirlash xarajatlari uchun:

- "Minglar" mahalla fuqarolar yig'inga 10,215 (o'n million ikki yuz o'n besh ming) million so'm,
- "Zarbuloq" mahalla fuqarolar yig'inga 4,310 (to'rt million uch yuz o'n ming) million so'm,
- "Bo'ston" mahalla fuqarolar yig'inga 24,354 (yigirma to'rt million uch yuz ellik to'rt ming) million so'm,
- "Chaqar" mahalla fuqarolar yig'inga 14,735 (o'n to'rt million yetti yuz o'ttiz besh ming) million so'm,
- "O'zbekqo'rg'on" mahalla fuqarolar yig'inga 6,924 (olti million to'qqiz yuz yigirma to'rt ming) million so'm,
- "Do'stlik" mahalla fuqarolar yig'inga 14,181 (o'n to'rt million bir yuz sakson bir ming) million so'm,
- "Chag'atoy" mahalla fuqarolar yig'inga 16,324 (o'n olti million uch yuz yigirma to'rt ming) million so'm,
- "Mirzaqul" mahalla fuqarolar yig'inga 28,893 (yigirma sakkiz million sakkiz yuz to'qson uch ming) million so'm,
- "Barlos" mahalla fuqarolar yig'inga 10,0 (o'n) million so'm, jami 129,936 (bir yuz yigirma to'qqiz million to'qqiz yuz o'ttiz olti ming) pul mablag'lari tuman

mahalliy budjetining 2022-yil 1-yanvar holatiga erkin qoldiq mablag'lari hisobidan "Mahalla" xayriya jamoat fondi Ishtixon tuman bo'linmasiga ajratilsin.


9. Qoraqalpog'iston Respublikasi Nukus tumani Arbachi OFYga (400 lik) suv nasosi olish uchun 40,0 (qirq) million so'm tuman mahalliy budjetining 2022-yil 1-yanvar holatiga erkin qoldiqlari hisobidan Ishtixon tuman hokimligiga ajratilsin.

10. Ishtixon tuman shaxsiy tarkib hujjatlari davlat arxivini ta'mirlash uchun 10,0 (o'n) million so'm tuman mahalliy budjetining 2022-yil 1-yanvar holatiga erkin qoldiqlari hisobidan Ishtixon tuman hokimligiga ajratilsin.

11. Ishtixon tuman hokimligi Moliya bo'limi (S.Ibragimov)ga budjetga tegishli o'zgartirish kiritish, tuman G'aznachilik bo'linmasi (A.Turdiyev)ga belgilangan tartibda to'lovlarni amalga oshirish, Ishtixon tuman Xalq ta'limi bo'limi (A.Boliyev), tuman Obodonlashtirish boshqarmasi (A.Ibragimov) va tuman hokimligi bosh hisobchisi (N.Qo'ziyev) ajratilgan mablag'lardan maqsadli foydalanish vazifasi topshirilsin.

12. Mazkur qarorning bajarilishini nazorat qilish xalq deputatlari tuman Kengashining Mahalliy budjet, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish, turizm, investitsiyalar va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo'yicha doimiy komissiyasi (Z.Egamov), tuman hokimining birinchi o'rinbosari (Sh.Ibragimov) zimmlariga yuklatilsin.

Kengash raisi



Sh.X.Negmatov

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### РЕСПУБЛИКАДА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ, ДАРАХТЛАР МУҲОФАЗАСИНИ ЯНАДА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, дарахт ва буталарни муҳофаза қилиш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда. Қимматбаҳо навли дарахт ва буталар кесилишига мораторий жорий қилиниши, дарахт кесганлик ҳолатлари учун жарима ва компенсациялар миқдорининг оширилиши шулар жумласидандир.

Бироқ, масъул ташкилотларнинг амалга оширилаётган ишларга сусткашлик билан ёндашиши ҳамда айрим шахсларнинг ўсимлик дунёси объектларига бўлган тажовузкор ҳаракатлари, шу жумладан дарахтларни ноқонуний кесиш билан боғлиқ ҳолатлар умумэкологик вазиятнинг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, инвестицион фаоллик суръатларининг, жумладан саноат ишлаб чиқариш, қурилиш, урбанизация ва бунёдкорлик кўламининг кескин кенгайиши аҳоли пунктларига тушаётган экологик юкларни камайтириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Дарахт, буталар ва яшил ҳудудларни муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг майдонларини кенгайтириш, ушбу соҳада масъул ташкилотлар фаолиятини янада самарали ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5863-сон Фармонида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Бутун мамлакат миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси татбиқ этилсин:

дарахтларни экиш ва парвариш қилиш соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш;

илмий ёндашувлар асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим ва бошқа хусусиятларини аниқлашга қаратилган тадқиқот ва таҳлилларни амалга ошириш ҳамда бунинг натижасида ҳудудлар кесимида республика харитасини ишлаб чиқиш;

кўчатхоналар сонини кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлар иқлимига мос хорижий манзарали дарахтларни маҳаллийлаштириш;

ҳудудларда «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»ни барпо этиш;

дарахтларни суғориш тизимини қайта кўриб чиқиш, унинг самарали фаолиятини таъминлаш;

ҳар бир дарахтни парвариш қилиш учун масъул бўлган шахсларни белгилаш, бу борада рағбатлантириш механизмларини кенг жорий этиш;

дарахтларни шикастлантириш ва нобуд қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини янада ошириш.

2. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторийнинг амал қилиши муддатсиз даврга узайтирилсин.

Белгилансинки, мораторий даврида амалдаги чеклов ва мажбуриятлар билан бирга қўшимча равишда:

а) ҳуқуқбузарларга:

мораторий талабларини бузганлик учун маъмурий жарималар миқдори беш бараварга;

дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесиш ва шикастлантириш билан ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ундириш суммалари икки бараварга оширилган ҳолда қўлланилади;

б) мораторий талабларини бузган қурилиш-пудрат ташкилотларининг «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимидаги даражаси (рейтинг баҳоси) бир поғона пасайтирилади. Бунда:

даражаси (рейтинг баҳоси) бир поғона пасайтирилган қурилиш-пудрат ташкилотлари бир йил мобайнида даражасини (рейтинг баҳосини) кўтариш имконидан маҳрум бўлади;

даражасини (рейтинг баҳосини) бир поғонага пасайтириш имкони бўлмаган қурилиш-пудрат ташкилотлари бир йил муддатга қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингидан тўлиқ чиқариб ташланади;

в) янги қуриладиган, баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда уларга туташ ҳудудларнинг кўкаламзорлаштириш (дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни экиш) майдонлари лойиҳа учун ажратиладиган ер участкалари умумий майдонининг 25 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмайди

(эксплуатация муддатини ўтаб бўлган ва маънан эскирган бино ва иншоотларни реновация қилиш бундан мустасно);

г) давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларини кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишни назарда тутувчи кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳукумат фармойишлари, баённомалар, ёзма топшириқлар, идоравий ҳужжатлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг кўрсатмалари ва қарорларини қабул қилиш қатъиян тақиқланади.

3. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси) уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларини кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишни назарда тутувчи лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаганлик учун лойиҳа институтларининг жавобгарлигини белгилаш;

дарахтлар ва буталарни қонунга ҳилоф равишда кесганлик, кундаков қилганлик, шикаст етказганлик, бошқа жойга кўчириб ўтказганлик ҳамда парвариш қилмаслик оқибатида уларнинг қуриб қолиши учун жавобгарликни кучайтириш.

4. Жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида 2022 йил 1 апрелдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

аҳоли томонидан Ички ишлар вазирлиги ва Давлат экология қўмитасининг махсус ахборот тизимига юборилган, дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни қонунга ҳилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш бўйича ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фотосурат ва видеоёзувлар махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари акс этирилган фотосурат ва видеоёзувларга тенглаштирилади ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги **кодекса** белгиланган тартибда кўриб чиқилади;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги фотосурат ва видеоёзувларни юборган шахслар ҳар бир тасдиқланган ҳолат бўйича ҳуқуқбузардан ундирилган маблағлар ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг миқдордаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади. Бунда, ҳуқуқбузарлик тегишли органлар томонидан бевосита аниқлангандан сўнг келиб тушган хабарлар бўйича рағбатлантириш амалга оширилмайди;

рағбатлантириш ҳуқуқбузарлик бўйича биринчи хабар берган шахсга нисбатан қўлланилади;

ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича фотосурат, видеоёзув ва хабарларни тақдим этган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди;

рағбатлантириш маблағлари ундириладиган жарималарнинг тегишли органлар ҳисобида қолдириладиган қисмидан қоплаб берилади.

5. Белгилансинки, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги хабарлар «102» тезкор қиска рақами ёки «Эконазорат» ахборот тизими орқали қабул қилинади.

Давлат экология қўмитаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда икки ой муддатда давлат экологик назоратининг замонавий механизмларини жорий этиш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Давлат экология қўмитаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрга қадар қуйидагилар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган «Яшил макон» платформасини ишга туширсин:

ҳудудларнинг тупроқ-иқлим хусусиятлари, уларда мавжуд дарахтлар сони, тури ва жойлашуви, шаҳарларнинг кўкаламзорлаштирилганлик даражаси;

аниқ ҳудуд (туман (шаҳар), маҳалла ва ер участкаси) кесимида аҳолининг шахсий ташаббуси асосида дарахтлар экилиши мумкин бўлган манзиллар ва дарахтларнинг турлари;

аниқ ҳудуд ва ҳар бир дарахт кесимида дарахтларни кесиш, шу жумладан санитария мақсадида кесиш учун берилган рухсатномалар;

аниқ ҳудуд ва ҳар бир дарахт кесимида дарахтларни қонунга ҳилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ва кўчириш бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликлар ва улар бўйича кўрилган чоралар.

7. Қуйидагилар:

2022 — 2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «яшил боғлар»ни барпо этиш дастури **1-иловага** мувофиқ;

2022 — 2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда янги ҳамда маданият ва истироҳат боғлари негизида ташкил этилаётган «яшил жамоат парклари» рўйхатлари 2а ва 2б-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) «яшил боғлар» шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида дарахтзор ва бутазорларни барпо этиш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, парвариш қилиш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилади;

б) «яшил жамоат парклари» идоравий мансублигидан қатъи назар, бино, иншоотлар, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектлари, шу жумладан аттракционлар қурилиши тақиқланган ҳамда аҳоли сайил қилишига мўлжалланган дарахтзор ва бутазорлардан иборат бўлади;

в) қуйидаги тадбирларни молиялаштириш Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади:

«Яшил макон» платформасини яратиш ва фаолиятини таъминлаш;

дарахтларни бириктириш, хусусан тегишли кўчирмалар бериш;

г) «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»ни ташкил этиш, сақлаш ва ривожлантириш тадбирларини молиялаштириш маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари, ҳомийлик ва грант маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

д) «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари» жойлашган ер участкалари:

уларнинг мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачилари тасарруфида бўлади;

уларнинг мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачилари белгиланмаган бўлса, «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари» улардан фойдаланувчи ёки уларга хизмат кўрсатувчи тегишли давлат органлари, муассасалари ва корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки кўп квартиралли уй-жойлар мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилади;

е) туманлар (шаҳарлар) марказий кўчаларини кўкаламзорлаштиришда:

экиладиган дарахт ва бута кўчатларининг кўкарувчанлигини таъминлаш учун суғориш тизими мавжуд бўлмаган ерларга ҳамда ёши 5 йилдан кам бўлган кўчатларнинг экилиши тақиқланади;

бир турдаги дарахт ва бута кўчатларини экиш орқали «каштан кўчаси», «чинор кўчаси» каби намунавий кўчаларнинг ташкил этилишига устувор эътибор қаратилади;

ж) 2022 йил 1 мартдан бошлаб дарахт ва буталарнинг зараркунандалари ҳамда касалликларига қарши курашиш тадбирларига маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларининг 2 фоизигача миқдордаги маблағлар ажратилади.

9. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда:

ҳар йили куз ва баҳор мавсумларида кўчат экиш ва сақлаш ишларини ташкил этиш бўйича «яшил ҳафталик» тадбирлари ўтказиб борилишини таъминласин;

телевидение ва ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланган ҳолда, ёшлар ва бошқа кўнгиллиларни дарахт экиш, парваришлаш ишларига фаол жалб қилиш тадбирларини ташкил қилсин.

10. Белгилансинки:

«яшил ҳафталик» тадбирларида бажариладиган барча ишлар ва ўтказиладиган тадбирлар ихтиёрий равишда амалга оширилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан аҳолига бепул кўчат тарқатиш учун маҳалла фуқаролар йиғинларига кўчатлар етказиб беради ҳамда «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»га дарахт экиш мақсадида келган фуқароларни кўчат экиш учун зарур жиҳозлар билан таъминлайди;

кўкаламзорлаштириш ишларида алоҳида ташаббус кўрсатган шахсларни Давлат экология қўмитаси томонидан «Табиат ҳимоячиси» кўкрак нишони билан тақдирлаш амалиёти жорий этилади.

11. Барча туманларда (шаҳарларда) туман (шаҳар) ҳокими, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи, ирригация бўлими бошлиғи, қурилиш бўлими бошлиғи ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғидан иборат намунавий таркибда ирригация ва суғориш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича ишчи гуруҳлар тузилсин.

Ишчи гуруҳлар икки ой муддатда туманлар (шаҳарлар) марказларида ободонлаштириш объектларининг суғориш тизимларини, шу жумладан ариқлар, насослар, қудуқлар, суғориш қувурлари ва ер ости сув чиқариш қудуқларини хатловдан ўтказиб, уларни жорий таъмирлаш, қайта тиклаш ва тозалаш чораларини кўрсин.

12. Қуйидагилар:



2022 — 2026 йилларда туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги кўкаламзорлаштириш ҳудудларига суғориш тизимларини ва сув чиқариш қудуқларини ташкил этиш бўйича дастур **3-иловага** мувофиқ;

2022 — 2026 йилларда туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларини махсус техника ва механизмлар билан жиҳозлаш параметрлари **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, мазкур махсус техника ва механизмлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 июндаги ПҚ-4351-сон қарори билан тасдиқланган 2020 — 2024 йиллар даврида туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларини махсус техника ва механизмлар билан жиҳозлашнинг **йиғма параметрларига** кўшимча равишда ажратилади.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматовга, зарур ҳолларда, мазкур банд билан тасдиқланган иловаларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг асосланган таклифларига мувофиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Мазкур бандда белгиланган тадбирлар 2022 йилда республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган ссуда маблағлари ҳисобидан, 2023 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади.

13. Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг қуйидаги таклифлари кўллаб-қувватлансин:

аҳоли пунктларида қаровсиз қолган дарахтларни сақлаш ва парвариш қилиш ҳамда «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»ни кўкаламзорлаштириш, шу жумладан уларнинг ҳудудида дарахтларни экиш, сақлаш ва парвариш қилиш ишларига ишсиз шахсларни, биринчи навбатда, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни фаол жалб қилиш;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан туман (шаҳар) ҳокимликлари буюртмаларига мувофиқ ҳар йили куз ва баҳор мавсумларида кўчат экиш тадбирларини молиялаштириш.

14. 2022 йил 1 мартдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри таркибида республиканинг барча ҳудудларидаги ва ҳар қандай турдаги дарахтларнинг ҳисобини юритиш ҳамда уларни бириктириш учун «Дарахтлар реестри» тизими жорий этилади;

юрidik шахслар — аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки улардан фойдаланувчилар, шу жумладан ижарага олувчилар ўзига бириктирилган дарахтларни сақлаш ва парвариш қилиш учун масъул ҳисобланади;

ҳар бир юрidik шахс — аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдори ёки улардан фойдаланувчига экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органи томонидан туташ ҳудудлардан келиб чиққан ҳолда унга бириктириладиган барча дарахтлар бўйича «Дарахтлар реестри»дан ягона кўчирма берилади;

туташ ҳудудлардаги бириктирилган дарахтлар бўйича «Дарахтлар реестри»дан кўчирма мазкур дарахтлар ва улар жойлашган ер участкаларига нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқни келтириб чиқармайди.

15. Давлат экология қўмитаси:

а) республикадаги давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтларнинг тўлиқ рақамлаштириш йўли билан хатловдан ўтказилишини қуйидаги тартибда таъминласин:

2023 йил 1 мартга қадар — Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон ва Жиззах вилоятлари бўйича;

2023 йил 1 сентябрга қадар — Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг бошқа вилоятлари бўйича.

Бунда, Давлат экология қўмитасига учувчисиз учиш аппаратларидан (дронлардан) фойдаланиш ва уларни тўловсиз учириш ҳуқуқи берилади;

б) юрidik шахслар — аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки улардан фойдаланувчиларга туташ ҳудудлардаги бириктирилган дарахтлар бўйича «Дарахтлар реестри»дан кўчирмалар берилишини қуйидаги тартибда таъминласин:

2023 йил 1 сентябрга қадар — Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон ва Жиззах вилоятлари бўйича;

2024 йил 1 мартга қадар — Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг бошқа вилоятлари бўйича;

в) Кадастр агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки улардан фойдаланувчиларга туташ ҳудудлардан келиб чиққан ҳолда

дарахтларни бириктириш ва «Дарахтлар реестри»дан кўчирма бериш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

г) ҳар йили камида бир маротаба янги экилган дарахтларни бириктириш бўйича кўшимча хатловларни амалга оширсин ва «Дарахтлар реестри»дан кўчирмалар бериб борилишини таъминласин.

16. Барча давлат органлари ва ташкилотлари:

уч ой муддатда ўз ҳудудларидаги дарахтлар сони ва тури ҳақида маълумотларни Давлат экология қўмитаси томонидан белгиланадиган шакл асосида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларига тақдим этсин;

ҳар чоракда бир марта, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар ўзлари томонидан янги экилган дарахтлар сони ва тури бўйича маълумотларни Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига мажбурий тартибда тақдим этиб борсин.

17. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси 2023 йил 1 сентябрга қадар давлат ўрмон фондига кирадиган дарахтлар тўлиқ рақамлаштириш йўли билан хатловдан ўтказилишини таъминласин ҳамда хатлов натижаларини «Дарахтлар реестри» тизимига киритиш учун Давлат экология қўмитасига тақдим этсин. Бунда, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига учувчисиз учиш аппаратларидан (дронлардан) фойдаланиш ва уларни тўловсиз учуриш ҳуқуқи берилади.

18. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузурида хўжалик ҳисобидаги «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий корхоналари ташкил этилсин.

Қуйидагилар «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонасининг асосий вазибалари этиб белгилансин: манзарали дарахт ва буталар кўчатларини етиштириш бўйича ихтисослаштирилган кўчатхоналарни ташкил этиш;

республикада «яшил боғлар»ни кўпайтириш;

сув тежайдиган технологияларни қўллаган ҳолда суғориш ишларини амалга ошириш;

дарахтзорларни парвариш қилиш ва зарарқундаларга қарши курашиш ишларини олиб бориш;

жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида хизмат кўрсатиш.

19. Кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш ҳамда «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппаратида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича раис ўринбосари — «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси директори лавозими ва 5 нафар штат бирлигидан иборат Яшил ҳудудларни ривожлантириш бошқармаси ташкил этилсин.

20. Мазкур Фармонга **1-иловага** асосан «яшил боғлар»ни ташкил этиш ишлари бўйича:

лойиҳачи этиб — «Ўрмонлойиҳа» лойиҳалаш институти;

пудратчи этиб — «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси ва унинг ҳудудий корхоналари белгилансин.

21. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси:

бир ой муддатда «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси ва унинг ҳудудий корхоналари уставлари белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

доимий асосда «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонасининг буюртмаларига мувофиқ шартнома асосида ўз тизимидаги ўрмон хўжаликлари томонидан манзарали дарахт ва буталарнинг юқори сифатли кўчатлари етказиб берилишини таъминласин;

икки ой муддатда Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг кўшимча даромадларини жалб қилиш ҳамда кўшимча манбалардан келиб тушадиган маблағларни ҳудудларда «Яшил боғлар» барпо этишга йўналтириш бўйича асосли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига икки ҳафта муддатда умумий майдонининг 60 фоизида кўкаламзорлаштириш объектлари мавжуд бўлган истироҳат боғлари, парклар ва тематик хиёбонларга ҳамда уларни ишончли бошқарув ва ижарага олган, инвестицион мажбуриятларини белгиланган муддатларда амалга ошириб бораётган ва солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тадбиркорларга нисбатан ушбу фаолият тури бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаларига камайтирувчи коэффициентларни қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун киритсин.

23. Мазкур Фармонга **22-бандда** назарда тутилган субъектлар учун Солиқ кодексининг **414** ва **428-моддаларига** асосан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича имтиёзлар берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

24. Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Давлат экология қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси кенг жамоатчилик, илмий-тадқиқот институтлари ва хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда:

а) 2022 йил 1 майга қадар куйидагиларни назарда тутувчи «Тошкент шаҳри — яшил майдон» ғоясини ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

2026 йилга қадар Тошкент шаҳрида кўкаламзорлаштириш майдонларини халқаро стандартларга мувофиқ кенгайтириш ҳамда уни дунёнинг етакчи яшил шаҳарларидан бирига айлантириш;

биоҳилмаҳилликни асраш, тиклаш ва кўпайтиришнинг аниқ тизимини яратиш;

кўкаламзорлаштириш юзасидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш бўйича институционал базани, шу жумладан алоҳида тузилмаларни (лойиҳа офисларини) шакллантириш;

аҳолининг кўкаламзорлаштириш ишларидаги фаолиятини рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;

2022 — 2026 йилларда Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш дастурини тасдиқлаш;

б) 2022 йил 1 сентябрга қадар Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш бўйича бош режани ишлаб чиқсин ва унинг белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

25. Яшил ҳудудларни ривожлантириш, кўкаламзорлаштириш ва кўчат экиш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича «йўл харитаси» **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

26. Олий Мажлис палаталарига Давлат экология қўмитасининг ахбороти асосида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ижроси юзасидан ҳудуд раҳбарлари фаолиятига баҳо бериб бориш тавсия этилсин.

27. Давлат экология қўмитаси икки ой муддатда:

давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

28. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Давлат экология қўмитаси билан биргаликда ушбу Фармоннинг аҳамиятини ва уни амалга ошириш жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борсин.

29. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2021 йил 30 декабрь,

ПФ-46-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармониغا  
3-ИЛОВА

2022 — 2026 йилларда туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги кўкаламзорлаштириш ҳудудларига суғориш тизимларини ва сув чиқариш қудуқларини ташкил этиш бўйича

ДАСТУР

Т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Жами суғориш тизимлари ва қазиладиган сув чиқариш қудуқлари сони			жумладан:														
					2022 йил			2023 йил			2024 йил			2025 йил			2026 йил		
		суғориш тизимларини ташкил этиш (км)	сув чиқариш қудуқлари сони (бирлик)	суммаси (минг.сўм)	суғориш тизимларини ташкил этиш (км)	сув чиқариш қудуқлари сони (бирлик)	суммаси (минг.сўм)	суғориш тизимларини ташкил этиш (км)	сув чиқариш қудуқлари сони (бирлик)	суммаси (минг.сўм)	суғориш тизимларини ташкил этиш (км)	сув чиқариш қудуқлари сони (бирлик)	суммаси (минг.сўм)	суғориш тизимларини ташкил этиш (км)	сув чиқариш қудуқлари сони (бирлик)	суммаси (минг.сўм)	суғориш тизимларини ташкил этиш (км)	сув чиқариш қудуқлари сони (бирлик)	суммаси (минг.сўм)
<b>VIII.</b>	<b>Самарқанд вилояти</b>	<b>131</b>	<b>80</b>	<b>21 172 100</b>	<b>20</b>	<b>16</b>	<b>3 800 000</b>	<b>23</b>	<b>16</b>	<b>4 010 000</b>	<b>26</b>	<b>16</b>	<b>4 220 000</b>	<b>30</b>	<b>16</b>	<b>4 500 000</b>	<b>32</b>	<b>16</b>	<b>4 642 100</b>
1.	Самарқанд шаҳри	14	5	1 723 000	2	1	318 000	3	1	325 000	3	1	346 000	3	1	360 000	3	1	374 000
2.	Каттақўрғон шаҳри	11	5	1 492 000	2	1	262 000	2	1	276 000	2	1	304 000	3	1	325 000	3	1	325 000
3.	Оқдарё тумани	7	5	1 233 000	1	1	220 000	1	1	234 000	1	1	241 000	2	1	262 000	2	1	276 000
4.	Булунғур тумани	9	5	1 352 000	1	1	241 000	2	1	255 000	2	1	276 000	2	1	290 000	2	1	290 000
5.	Жомбой тумани	10	5	1 429 000	2	1	255 000	2	1	276 000	2	1	290 000	2	1	304 000	2	1	304 000
6.	Иштихон тумани	9	5	1 396 100	1	1	248 000	2	1	269 000	2	1	283 000	2	1	290 000	2	1	306 100
7.	Каттақўрғон тумани	10	5	1 450 000	2	1	262 000	2	1	283 000	2	1	297 000	2	1	297 000	2	1	311 000
8.	Қўшрабат тумани	8	5	1 303 000	1	1	227 000	2	1	255 000	2	1	255 000	2	1	276 000	2	1	290 000
9.	Нарпай тумани	6	5	1 184 000	1	1	213 000	1	1	220 000	1	1	234 000	2	1	255 000	2	1	262 000
10.	Пайариқ тумани	8	5	1 296 000	1	1	234 000	1	1	248 000	2	1	262 000	2	1	276 000	2	1	276 000
11.	Пастдарғом тумани	6	5	1 135 000	1	1	206 000	1	1	213 000	1	1	220 000	1	1	241 000	2	1	255 000
12.	Пахтачи тумани	7	5	1 219 000	1	1	220 000	1	1	227 000	1	1	241 000	2	1	262 000	2	1	269 000
13.	Самарқанд тумани	7	5	1 268 000	1	1	234 000	1	1	234 000	1	1	248 000	2	1	276 000	2	1	276 000
14.	Нуробод тумани	6	5	1 198 000	1	1	206 000	1	1	220 000	1	1	234 000	2	1	255 000	2	1	283 000
15.	Тойлоқ тумани	7	5	1 212 000	1	1	220 000	1	1	227 000	1	1	227 000	2	1	269 000	2	1	269 000
16.	Ургут тумани	8	5	1 282 000	1	1	234 000	1	1	248 000	2	1	262 000	2	1	262 000	2	1	276 000

Изоҳ: Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосалари олингандан сўнг, объектларнинг қийматларига аниқлик киритилади.

Ҳудудларда ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги майдонларда ташкил этиладиган сув чиқариш қудуқлари суғориш тизими учун ишлатилади, айрим ҳудудларда зах сувларни тортиш (дренаж қудуқлари) тизимлари орқали ҳам суғориш тизимига сувни тортиш мумкин.

Сув чиқариш қудуқларини ташкил этиш харажатларини ҳисоблашда сув чиқариш қудуқларини ташкил этиш, электр таъминотиغا уланиш, зарур қурилиш материаллари инобатга олинади.